**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**
**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

| | |
|---|---|
| Рўйхатга олинди: | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |
| № БД – 5111000 – 4.01 | _______________ |
| 2018 йил "18" 08 | 2018 йил "25" 08 |

# ЎРТА МАХСУС КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШИ

## ФАН ДАСТУРИ

| | | |
|---|---|---|
| Билим соҳаси: | 100000 | - Гуманитар |
| | 200000 | - Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ |
| | 300000 | - Ишлаб чиқариш-техник соҳа |
| Таълим соҳаси: | 110000 | - Педагогика |
| | 230000 | - Иқтисод |
| | 330000 | - Компьютер технологиялари ва информатика |
| Таълим йўналиши: | 5111000 | - Касб таълими (иқтисодиёт), 5111000-Касб таълими (информатика ва ахборот технологиялари) |

**Тошкент – 2018**

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Тараккиёт йўлидан ўтаётган ҳар кандай жамият юксак миллий тафаккур, касб-маҳоратга эга бўлган кадрларга кучли эҳтиёж сезади. Кейинги йилларда мутахассис ходимларга бўлган талаб кескин ошди, сифат ва микдор кўрсаткичлари ўзгарди, ишга кабул килувчилар кўп ҳолларда ходимнинг ишни кай даражада билишлиги, касбий маҳоратига эътибор бермокдалар.

Республикамиз иктисодиётининг малакали миллий кадрларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда тузиб чикилган таълим стандартларига киритилган "Касбий таълим ривожланиши" фани бакалаврларнинг иктисодий илмини, уларнинг бозор иктисодиёти жараёнидаги замонавий билимларни мустаҳкамлашга каратилган. Касб-ҳунар таълими тизими олдига малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, уларга таълим ва тарбия бериш сифатини ошириш соҳасида муҳим вазифалар қўйилган.

Ушбу фан дастури бакалаврларни ўкитишга мўлжалланган бўлиб, унда касбий таълим ривожланишининг илмий асослари, касб таълими ривожланиши илмий тадкикот методлари, касб таълимни ривожлантиришда бошкариш тизими, ДТС асосида касб таълимни режалаштириш ва лойиҳалаштириш, касб таълимни ривожлантиришда молиялаштириш ва таълим хизматлари масалалари кўриб чиқилади.

Мазкур фан касбий таълим ривожланиши борасидаги давлат сиёсатининг моҳияти, мазмуни ва ҳусусиятларини, асосий тушунчалари ва бошкарув тузилишини, касб таълимни ривожлантиришда ҳукукий-меъёрий асосларини, касб таълими ривожлантиришда мавжуд муаммолар, касб таълимда инновациялар масалаларини талабаларга ўргатишда қўл келади.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни *ўқитишдан мақсад* – талабаларда касбий таълим ривожланиши соҳасида билим даражасини ошириш, уларда мазкур билимлардан амалда фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Фаннинг *асосий вазифалари* – талабаларга касб таълим тизимини вужудга келиш ва ривожланиш тарихи, касб таълими ривожланишида илғор методлари ва тамойиллари ҳақида, касб таълими ривожланишида таълим хизматларини ташкил этиш, маркетинг ва инновациялар соҳасида махсус билимларни ўргатишдан иборат. Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига кўйиладиган талаблар куйидагича:

"Касбий таълим ривожланиши" фанини ўзлаштириш жараёнида талаба:

- педагогик-психологик билимлар тизимида касб таълими ўрни ва аҳамиятини; касб таълим соҳасида ўкитиш концепциясининг ривожланиш йўлларини, касб таълими ривожланишида максад ва вазифаларни, касб таълими самарадорлигини оширувчи омилларини ***билиши***;

- замонавий ижтимоий ва иктисодий шароитда касб таълими ривожланиши максад ва вазифаларини белгилаш, касб таълими жараёнини услубий жиҳатдан бошқариш йўллари, касб таълим тизимида ўкитиш сифатини мониторинги, таълим хизматларини ташкил этиш, психологик хизмат, касб таълим тизимида жамоани бошқариш йўллари ***бўйича кўникмаларга эга бўлиши;***

- касб таълим тизимида долзарб муаммоларни таҳлил қилиш, касб таълим ривожланиш тизимида янги тадкикотчилик усулларни ўзлаштириш, касб таълим

топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;

5) мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

6) илмий семинар ва анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;

7) мавжуд лаборатория ишларини такомиллаштириш, масофавий (дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш ва ҳ.к.

**Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Касбий таълим ривожланиши методологияси ва тузилиши асослари.
2. Касбий таълим тизимини бошқаришнинг илмий асослари ва стратегияси.
3. Касбий таълим тизимини бошқариш тамойиллари ва услублари.
4. Кадрлар тайёрлаш жараёнидаги касбий-малакавий ўзгаришлар: касбларни таҳлил қилиш методлари.
5. Касбий таълим ривожланиши жараёнини услубий жиҳатдан бошқариш.
6. Ўзбекистонда касбий таълимни ривожлантиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш.
7. Олий таълим тизимини бошқаришда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси.
8. Касбий таълим тизимида маркетинг фаолиятини бошқариш.
9. "Касбий таълим жараёнини лойиҳалаш" масаласининг асосий тавсифи.
10. Касбий таълим муассасаларини молиялаш воситалари.
11. Касбий таълим жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш босқичлари.
12. Касб таълими мазмунини танлаб олиш тамойил ва мезонлари.

## VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

### Асосий адабиётлар


1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. Узбекистон. 2017
2. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. 2017 й. 7 феврал
3. Jim Scrivener. Classroom Management Techniques. Cambridge University Press. 2014. 307 p.
4. Chris Watkins, Eileen Carnell & Caroline Lodge. Effective Learning in Classrooms. SAGE Publications Ltd, London, 2007
5. Bush T. "The Principles of Educational Management". , Harlow, Logman, 2009.
6. Педагогика профессионального образования Учебное пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / Е. П. Белозерцев, А. Д. Гонеев, А. Г. Пашков и др. — М.: Академия, 2004. — 368 с. — ISBN 5-7695-1513-9.




**5-модул. Касб таълими ривожланишида педагогик тизимлар**

Касбий таълим ривожланишида педагогик тизимлар ҳақида умумий тушунча. Педагогик тизимнинг асосий элементлари: таълим мақсадлари, таълим мазмуни, касбий таълим методлари, воситалари, ташкилий шакллари, педагог ва таълим олувчилар. Касбий таълим ривожланишида педагогик ва илмий-педагогик кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш. Касбий таълим ривожланишида методик ишларни такомиллаштириш. Касбий таълим ривожланишида ёрдамчи хизмат жараёнини ташкиллаштириш: психологик хизмат, маркетинг хизмати, сифат мониторинги, молиявий хизмат. Сифат таъминоти турлари: ички сифат таъминоти тизими, ташқи сифат таъминоти тизими.

**6-модул. Касбий таълим ривожланиши ва касбий ўқитиш мазмунининг асослари**

Касбий фанларни ўқитишда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг аҳамияти. ЎМКҲТ Давлат таълим стандартлари. Таълим ва ўқитиш мазмуни. Касбий таълим ва ўқитиш мазмунини ишлаб чиқиш мезонлари. Давлат таълим стандартлари асосида таълим мазмунини лойиҳалаштириш тамойиллари. Ўқув режа, намунавий ва ишчи ўқув режасини лойиҳалаштириш. Ўқув ва ишчи фан дастурлари.

**7-модул. Касбий таълим ривожланишида инновацион жараёнлари**

Ҳозирги замон касбий таълим ривожланишининг асосий йўналишлари. Касб таълимни фундаменталлаштиришнинг долзарб аҳамияти. Касбий таълимнинг технологиялашуви тушунчаси. Касб таълим жараёнини моделлаштиришнинг асосий вазифалари. Дарс жараёнида педагог ва талаба фаолиятини моделлаштириш. Касбий таълим тизимида ахборот технологиялардан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш. Касбий таълим ривожланишида педагогик технологиялардан комплекс фойдаланиш.

**8-модул. Касбий таълим ривожланишида педагогик тизимларини бошқариш**

Касбий таълим ривожланишида бошқариш тушунчасининг моҳияти. Бошқаришнинг функциялари ва методлари. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда касб - ҳунар ўқув муассасаларини стратегик бошқариш. Жаҳонда касбий таълимни молиялаштиришнинг замонавий моделлари. Бошқарувнинг педагогик ёндашуви. Касб - ҳунар таълими муассасаларини бошқариш жараёнини моделлаштириш. Педагогик жамоа ва уни бошқариш. Бошқарув маданиятининг компонентлари: аксиологик компонент, технологик компонент, шахсий-ижодий компонент.

**9-модул. Ривожланган мамлакатларда касб таълимни ривожлантириш шакллари**

Ҳозирги замон касбий таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: касб таълимини гуманизациялаш, талабалар фаолиятини мустақил таълимга йўналтириш, касб таълими тизимини бошқаришда жамоавий шаклларга ёндашуви, васийлик кенгашлар фаолиятини ривожлантириш, таълим сифатини назорат қилувчи мустақил ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш. Чет эл

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил "25" 08 даги "744"-сонли буйругининг 6-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил "18" 08 даги "4" -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

| | |
|---|---|
| Файзуллаева Н. С. | ТДИУ "Касб таълими" (иқтисодиёт) кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди. |
| Лутфуллаева Н.Х. | ТДИУ "Касб таълими" (иқтисодиёт) кафедраси доценти, психология фанлари номзоди. |

**Тақризчилар:**

| | |
|---|---|
| М.Хакимова | ТДИУ. "Касб таълими" (иқтисодиёт) кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори. |
| А.Шоюсупова | ТАШИ. "Педагогика ва жисмоний тарбия" кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди *(турдош ОТМ)*. |
| М.Баратов | Тошкент иқтисодиёт коллежи директор ўринбосари, педагогика фанлари номзоди *(кадрлар буюртмачиси)*. |

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил "28" 06 даги "12" -сонли баённома).

тизимида педагогик лойиҳалашни амалга ошириш, касбий таълим ривожланишида услубий модел ва технологияларни яратиш каби ***малакаларга эга бўлиши керак.***

## АСОСИЙ ҚИСМ

### III. Ўқув фанининг назарий машғулотлари мазмуни

#### 1-модул. “Касбий таълим ривожланиши” фанининг мақсад ва вазифалари

Иқтисодий фанларни ўқитишда Ўзбекистон Республикаси таълими тизимида касб таълимнинг муҳим ўрин эгаллаши. “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурига кирган устувор вазифалар ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий асослари. Фаннинг мақсади ва вазифалари. Касбий таълим ривожланиши фанининг ўзига хос хусусиятлари. Касбий таълим ривожланиши фанини ўқитишда фойдаланиладиган асосий тушунчалар моҳияти.

#### 2- модул. Касбий таълимнинг назарий ва методик асослари

Касбий таълим ривожланиши ижтимоий ва маданий тизим сифатида. Касбий таълим функциялари. Касб таълими тизимининг пайдо булиши ва ривожланиш тенденциялари. Касбий таълим ривожланиши ва иқтисод. Касбий таълим ривожланиши ва меҳнат. Касб таълимнинг ривожланиши фанининг изланиш усуллари. Назарий тадқиқот усуллари. Эмпирик тадқиқот усуллари.

#### 3- модул. Касб-ҳунар таълимини узлуксиз ривожланиши

Касб-ҳунар таълимини моҳияти ва структураси. Узлуксиз таълим концепцияси дунё миқёсидаги тенденция сифатида. Узлуксиз таълим тизими принциплари ва шартлари. Ўзбекистон ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг тарихий ва маънавий-маърифий сарчашмалари. Республика иқтисодиётини модернизациялаш шароитида касбий таълимнинг ривожланиши. Меҳнат ва касбий тайёргарлик ғояларини ривожланиши. Касбий таълим ривожланишининг асосий муаммолари: таълим босқичларининг узвийлиги, назарий билимларни амалиёт билан боғланиши.

#### 4-модул. Ўзбекистон Республикаси касб таълими ривожланишининг методологик ва меъёрий асослари

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрларни тайёрлаш Миллий дастури” таълимни бошқариш методологиясининг асоси сифатида. Таълим тизимини бошқаришда давлат сиёсатининг принциплари. Таълим тизимини бошқаришдаги давлат бошқарув органларининг ваколатлари. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий жиҳатлари. Касбий таълимнинг ривожланишида назарий ва методологик негизлар тараққиёти.

Узлуксиз таълим тизимининг турлари ҳамда уларнинг жамият ривожидаги ўрни. Ишлаб чиқаришни малакали кадрлар билан таъминлаш асослари.



7. Профессиональная педагогика: учебник для вузов / под ред. С.Я. Батышева, А.М. Новикова. 3-е изд., перераб. Москва: Ассоциация «Профессиональное образование», 2010.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. www.Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” www.Lex.uz
3. John Shindler. Transformative Classroom Management. Copyright 2010. Wiley inprint. San Francisco
4. Bert Creemers. Teacher Professional Development for Improving Quality of Teaching. Springer Dordrecht Heidelberg New York London, 2013.
5. Морева Н. А. "Технологии профессионального образования. Учебное пособие для вузов". Высшее профессиональное образование Издательство: Academia. 2017.
6. Жуков, Г.Н. Общая и профессиональная педагогика: учебник/ Г.Н. Жуков, П.Г. Матросов. — М.: Альфа-М: ИНФРА-М, 2013. - 448 с.
7. Управление высшим учебным заведением: учебник (ФГОС 3-го поколения) / под общ. ред. С.Д. Резника, В.М. Филиппова. – М.: ИНФРА-М, 2015. – 415 с.

**Интернет сайтлари**

1. http://www.springer.com - International Publisher Science, Technology, Medicine
2. www.wiley.com/go/permissions - the Copyright Clearance Center's online service
3. www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирлиги сайти.
4. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
5. www.ziyonet.uz - таълим портали

педагогик таълим тизимларида касбий таълим беришнинг инновацион моделлари.

Германия, Франция, Англия, АҚШда касбий таълим ривожланишининг асосий таснифлари. Коллеж ва университет - бутун дунё касб таълимининг ўқув муассасалари модели сифатида. Ривожланган мамлакатларда узлуксиз касб таълими ривожланиши моделлари: хаёт давомида таълим олиш, перманент таълим.

### 10-модул. Касбий таълим ривожланишида интеграция

Таълимнинг мазмунини ислох килишда янгиланган ўкув дастурлари ва замонавий таълим воситаларининг аҳамияти. Жаҳоннинг турли мамлакатларида касб таълимнинг интеграциялашуви ва ёшларга касб-хунар ўргатиш муаммолари. Болонья жараёни олий таълимнинг интеграциялашуви натижаси сифатида. Касб таълимни тоифалаштириш муаммолари ва махсус таълим муассасаларининг фаолияти. Касб таълимнинг интернационаллашуви.

Таълим тизимлари фаолияти самарадорлигининг халқаро стандартлари (PISA). Жаҳонда халқаро маданий ва касбий таълим марказлари фаолияти.

### 12-модул. Касбий таълим ривожланишида малакали педагогик кадрларнинг роли

Касбий таълим тизимида замонавий кадрларни тайёрлашга нисбатан интегратив ёндашув. Касбий таълим тизимидаги таълим-тарбия ишига доир ислохотлар. Касбий таълимни ривожлантириш жараёнида педагогик кадрларни малакасини ошириш билан боғлиқ масалалар. Жаҳоннинг турли мамлакатларида касб таълими тизимида педагогик кадрларни тайёрлашнинг баъзи бир моделлари.

## IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

-амалий машғулотларнинг мақсадини аниқ белгилаб олиш;

-ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;

-талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;

-талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

Амалий машғулотлар нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни якунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи хамдир.

### Амалий машғулотларнинг тахминий мавзулари:

1. Таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик: мазмуни ва хусусиятлари.
2. Ўзбекистонда касб таълими ислоҳати.
3. Кадрлар тайёрлаш жараёнидаги касбий-малакавий ўзгаришлар: касбларни таҳлил қилиш методлари.
4. Касбий таълим ривожланишида илмий тадқиқот методлари.
5. Таълим сифати касбий ривожланишининг омили сифатида.
6. Ўзбекистонда касбий таълимни ривожлантиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш.



7. Касб таълими жараёнида таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш.
8. Глобаллашув жараёнида касбий таълим тизимини ривожланишининг хусусиятлари.
9. Педагогик ва малакавий амалиётда инновацион технологияларни қўллаш.
10. Касбий фанларни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти ва зарурати.
11. Касб таълими ўқув муассасаларида ахлоқий тарбия муаммоси.
12. Ёшларнинг касб тарбиясидаги узвийлик тушунчасини мустақил ўзлаштириш.
13. Касб таълими самарадорлигини баҳолаш мезонлари.
14. Касб таълими мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.
15. Касб таълими соҳасида таълим хизматлари консалтинг.
16. Касб таълими ривожланиши жараёнида юқори малакали кадрлар тайёрлаш муаммолари ва истиқболи.

### Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

## V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади - ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

### Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли

Талаба "Касбий таълим ривожланиши" ўқув фанидан мустақил таълимни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

**1) мавзулар бўйича конспект** (реферат, тақдимот) **тайёрлаш.** Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вақтни тежайди;

**2) ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш.** Талабалар маъруза ва амалий машғулотлар давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат учун тест топшириқлари в.б;

**3) фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш.** Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;

**4) Интернет тармоғидан фойдаланиш.** Фан мавзуларини ўзлаштириш, курс иши, битирув малакавий ишларини ёзишда мавзу бўйича интернет манбаларини